

9-10-2020

## SHUKUR KHOLMIRZAEV'S MASTERY OF STORYTELLINGSUMMARY

Ақрам Тошпулатов  
*самду*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Тошпулатов, Ақрам (2020) "SHUKUR KHOLMIRZAEV'S MASTERY OF STORYTELLINGSUMMARY,"  
*Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 9 , Article 38.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss9/38>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

---

## SHUKUR KHOLMIRZAEV'S MASTERY OF STORYTELLINGSUMMARY

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2020 йил 9 сон**

10.00.00

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ  
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ  
PHILOLOGICAL SCIENCES**

**ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВНИНГ ҲИКОЯЧИЛИҚДАГИ МАҲОРАТИ**

самду Акрам Тошпўлатов

**Аннотация:** Мазкур мақолада Шукур Холмирзаевнинг ҳикоячиликдаги маҳорати новеллистик жиҳатдан ўрганилади. Ёзувчи ҳикояларидаги конфликт (ривоявийлик) алоҳида таҳлил этилганлиги ва айниқса, новелла хусусиятлари худди ана шу характерлараро зиддиятлардан келтириб чиқарилганлиги мисоллар орқали таҳлилга тортилади. Шунингдек, мақоланинг хулоса қисмида новелла жанрига хос назарий маълумотлар атрофлича ёритилади.

**Таянч сўз ва иборалар:**Новелла, конфликт, ривоявийлик, тавсифий ҳикоя, характер, услубий ўзига хослик, ёзувчи маҳорати, қутилмаган ечим, кескин бурилиш, воқеалар ривож.

**МАСТЕРСТВО РАССКАЗЫВАНИЯ ИСТОРИЙ ШУКУРА ХОЛМИРЗАЕВА**

**Резюме:** В статье исследуется мастерство Шукура Холмирзаева как новеллиста. С помощью примеров анализируются конфликты и противоречия между персонажами. Также в статье представлены теоретические суждения о жанре рассказа.

**Ключевые слова:** Новелла, конфликт, повествование, описательный рассказ, характер, персонаж, стилистическое своеобразие, писательское мастерство, неожиданный развязка, крутой поворот, развитие событий

**SHUKUR KHOLMIRZAEV'S MASTERY OF STORYTELLINGSUMMARY**

*The article examines the skill of Shukur Kholmiraev as a novelist. Using examples, conflicts and contradictions between characters are analyzed. The article also presents theoretical judgments about the genre of the story.*

**Key words:** short story, conflict, narrative, descriptive story, story, character, stylistic originality, writing skill, unexpected outcome, sharp turn, development of events

Адабиётда, унинг бирор бир турида, жанрида бадиий кашфиётлар яратишни олдиға мақсад қилиб қўйган сўз санъаткори бетакроп истеъдодға ва ўзлигини англаш даражасига эға бўлиши лозим. Шундагина ёзувчи ўз феъл-атворидан келиб чиқиб алоҳида хусусият ва белгиларға эға характер ярата олади. Ёзувчи ўз услуби билан қанчалик бошқалардан ажралиб турса, у яратган образлар, характерлар ҳам оригиналлиги билан алоҳидалик касб этади.

Адабиётшунос Д. Қуроноғ: “Адабиётда ҳикоянинг икки типини фақланишини, уларнинг бирида очерклилик (тавсифий-ривоявий), иккинчисида новеллистиклик (конфликт-ривоявий) хусусияти устуворлик қилишини”(1) ёзади.



Қуйида биз новеллистиклик – конфликт-ривоявий хусусиятларга эга ҳикояларга эътибор қаратамиз. Новеллистик ҳикояларда эпик тасвир тавсифий-ривоявий ҳикоядагидек сокин ҳаракат қилмайди, балки драматик зиддиятга мос тарзда “шовқинли”, фавқуллода юз берган ҳолатлар тарзида ривожланади. Оҳанг таранглиги, сюжет кескинлиги, диалог “қиличбозлиги” яққол намоён бўлади. Ушбу асарларда кутилмаган воқеаларга дуч келинади. Характер яратишда сюжет фавқуллода ҳолатлар келтириб чиқаради. А. Расулов: “Бадиий адабиёт жонли одамлар характери яратиши билан муҳим, зарурдир. Ҳар бир замон, миллат адабиёти инсонни қандай нуқтаи назардан тасвирлаши билан бир-биридан фарқ қилади”(2), - деб ёзади.

Ш. Холмирзаев ўзбек адабиётида ҳикоянавис ёзувчи сифатида машҳур. Бироқ адиб ҳикояларида новеллистик хусусиятларини ўзида жамлаган асарлари жуда озчиликни ташкил этади. Масалан, ёзувчининг 4 жилдлик ҳикоялар тўпламига киритилган “От эгаси”, “Тикан орасидаги одам”, “Қария”, “Шудринг тушган бедазор”, “Кимсасиз ҳовли”, “Бодом қишда гуллади”, “Табассум”, “Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди” каби бор йўғи 8 тагина асарини юқоридаги талабларга кўра ҳикоянинг новеллистиклик (конфликт-ривоявий) турига киритиш мумкин.

Ёзувчининг “Шудринг тушган бедазор” ҳикояси ҳажман анча катта бўлиб, Мопассан новеллаларини (“Портда”) эслатади. Ҳикояда иккита мураккаб характер тасвирланган. Ёзувчининг ўзи ҳам шунини эътиборга олиб, сарлавҳа тагидан қавс ичида “Икки инжиқ ҳақида ҳикоя” деб ёзиб қўйган.

Ҳикояда маиший ҳаёт тарзи ифода этилган. Асар ҳажмининг катталиги сабабли характернинг шаклланиш жараёнини ҳам кўрсатишга муваффақ бўлинган. Ёзувчи чизгиларида Турсуноини ҳам, Икромжонни ҳам болалик, ўсмирлик пайтларини, қандай оилада камол топганлигини билиб оламиз. Турсуноини Икромжонга ўз розилиги билан, яхши кўриб турмушга чиққан.

“Улар ҳеч нарсадан нолимаса ҳам бўлади. Кунлари эл қатори ўтиб турибди. Оилаларида баъзан шундай иноқлик, меҳр-муҳаббат пайдо бўладикки, олти йиллик эр-хотинни кеча топишган Тоҳир-Зухра дейсиз.

Лекин, баъзан...”(2)

Шундай бошланган турмушга дарз кета бошлайди. Турсунойдаги беқарор характер оиланинг мустаҳкамлигига, осойишталигига таъсир эта бошлайди. Ундаги қайсарлик, чўрткесарлик кучайгани сари, Икромжондаги мўминқобиллик характери: сабр қилиш, эзилиш, адоқсиз ўйларга чўмиш каби ҳолатларни касб эта боради. Ҳаммасидан ўтиб тушадигани, эркак кишини “синдирадиган” бир гап “тузукроқ йигитга чиқмаганидан афсусда эканлигини” эшитгач, Икромжон тамом бўлади.

Икромжон характерида энди ўзгача ҳолатлар кўзга ташланади. Уйдан бешиб, ўз ҳамжинсларидан тасалли топишга чоғланади. Шундай кунларнинг бирида ичиб келади. Албатта, ранги-рўйи бир хол бўлиб, устлари лой бўлади. Бундай ҳолатга Турсуноининг муносабатига эътибор қаратамиз:

“ – Турсуноини эрининг ёқасидан ушлаб юзига тикилди-ю, бурни жийрилиб, афти буришиб, бирдан тисланди. – Маст! – деди йиғламсираб. – Пиёниста бўпти! Шуниси кам эди... Вой до- од, қаерга борай? – у яна отилиб эрининг олдида борди. –

Пулни қаердан топдинг? – у сенлади ва сенлаб давом қилди: - Айт деяпман!.. Ҳали ўзингни оппоқ қилиб кўрсатарсан, ҳали давлатнинг одамиман, дейсан! Қаердан топдинг пулни..?”

Ушбу парчадан ҳам кўриниб турибдики, Турсуной аёл сифатида, оилада аёлнинг ўрни, оила мустақамлигига унинг қўшган ҳиссаси каби миллий тушунчаларга ёт ҳаракатлар қилади. Ёзувчининг характер яратишдаги маҳорати шундаки, Турсунойнинг Икромжон билан қилган можароси драматик сахнанинг ўзгинаси. Ўқиб туриб ёқа ушлайсиз. Эркак киши бўлсангиз дўзах азобларини ҳис қиласиз. Инсоний табиатга эга аёл киши бўлсангиз “тавба” дейишдан ўзингизни тия олмайсиз. Ёзувчи маҳорати сизни шу ҳолатга сола олади.

Турсуной характеридаги биргина ҳолатга эътибор қаратамиз.

“...Турсуной шу кеча йиғлаб-йиғлаб ётди. Милиса чақиргани учун ўзини қаргади. “Ваҳимачи бўлмай ўлай, эркак одам ичади-да! – деди. – Бу гап бировларнинг қулогига етса, нима деган одам бўламан! Эрини қаматган... Кошки мени урган бўлса! Беозоргина, “кечир” деди... Боёқиш... Шундай майин, мўмингина... Менинг хархашаларимга чидаб келяпти. Икки дунёда бундай эркак топилмайди... Ўзим айбдорман...Уйдаги сирни кўчага чиқарган хотин хотинми?”

Ҳикоядаги кутилмаганлик, ғайритабиийлик шунда ҳам кўринадими, Турсунойнинг ўз тилидан берилган пушаймонлари унинг гўзал, маданиятли, орномусли, андишали характерга эга аёл эканлигини рўй-рост кўрсатади. Бироқ воқеалар ривожини бу фақат ўткинчи ҳолат эканлигини, Турсунойнинг бу ҳолати баҳор ёмғири каби беқарорлигини кўрамай. Муаллиф воқеалар ривожига ота-оналар, ёр-биродарлар каби бирор маслаҳатгўй кишиларни аралаштирмайди. Шунинг учун ҳам Турсуной характерида ижобий ҳолатлар унинг аёллик “фазилатлари” қаршисида ожизлик қилиб қолади. Муаллиф уларни шу мақсадда аралаштирмайди.

Икромжон руҳий дунёсида ҳаёт ва мамот кураши борарди. Ички зиддиятлар оқ ва қора, яхши ва ёмон, афв ва барчасидан кечиш каби драматик коллизиялар кульминация нуқтасига етади. Турсуной Икромжонни кетиб қолишидан кўрқиб, судга ёлғондан урди, сўқди, ҳақоратлади деб ёзма ариза беради. Эри икки йилга қамалиб кетади. Турсуной эрим энди мендан кечади, деб икки боласи билан отасиникига кетиб қолади.

Ёзувчи бекорга экспозиция шаклида характерлар ривожини чизмаган. Севиб турмуш кўрган Турсунойда нега бундай характер шаклланди. Адиб бунини ижтимоий тенгсизликда, яъни “Тенг тенги билан...” мақолига асосланса, олмон файласуфи Эрих Фромм эрининг мўминқобиллиги, ўз ҳақини талаб қилмаслиги, шаъни-шавкати учун кураша олмаслиги оқибатида “Аёллик хусусиятларининг заифлиги ёки бузилган – айниган шакли мазохизм ёки мустақилликка интилиш кўринишини касб этади”(4), -деб тўғри таъкидлайди. Икромжон аввал ўйлаб, кейин гапиришни маъқул кўрганлиги учун ҳам, ке қўй, шуни жағи тинса бўлди, аёл киши билан тенглашиб ўтираманми қабилида иш юритади. Аслида, оиладан дарз кетишининг сабаби ҳам мана шу.

Ҳикояда драматизм, ўз манфаатини кўзлаб қилинган ғайриодатий ҳолатлар, кутилмаган жойдан можарони бошланиб кетиши, ҳамда ҳеч ўйламаган ҳолда

Икромжоннинг қамалиб кетиши (Турсуной Икромжонни қамалиб кетишини ҳеч истамасди, фақат унинг характерида эрини тиз чўктириш, айтганини қилдириш истаги бор эди) кутилмаган ечим билан новелла ниҳояланишига сабаб бўлган. Шукур Холмирзаев икки қарама-қарши характер орқали бир оила фожиасини кўрсатиб бера олган. Аёл кишининг мураккаб характери анча ишонарли чиққан. Бундай воқеалар айнан бугунги куннинг ҳам оғриқли нуқталаридан бири бўлиб турибди.

Ш. Холмирзаевнинг “Бодом қишда гуллади” Ҳикоясидаги Носиржон характери психологик жиҳатидан ишонарли очиб берилган. Ҳикоя структурасига хос драматик таранглик, кутилмаганлик Хуббижамол билан Носиржон ўртасидаги муҳаббат ҳангомаларининг бошланишидаёқ кўзга ташланади. Яъни ҳикоя мўъжизавийлик - Носиржоннинг тузалиб кетиши, кутилмаган ечим – новелла қаҳрамонининг ҳарф таниши, китоб ўқиши билан хайрли якун топади.

Ёзувчи кўнглига ғубор кўнмаган, покиза бир зот – Носиржон тимсолида киши қалбида муҳаббатнинг куртак отишини кўрсатиб беради. Носиржон характерини дастлабки ҳолати билан солиштирсак, катта ўзгаришларни кўрамыз. Кўнгилдаги ғалаён, тўқнашув, руҳий эврилишлар уни жиддий одамга айлантиради. Энди у ёзувчига (ҳикоя эпизоди) ақл ўргатишга қодир. Руҳиятида мисли кўрилмаган алғов-далғовли кураш кетаётганлиги муаллиф эътирофидан сезилади.

Ҳикояда ёзувчи характер яратишда ҳар хил усуллардан фойдаланган. Гоҳ ровий тилидан, гоҳ бирор бир эпизод тилидан, гоҳ эса образнинг ўз-ўзи билан гапиртириши орқали бундай муваффақиятга эришган. Новеллада ўткир сюжет, юксак бадиийлик, маҳоратли ширадор тил орқали қойилмақом характер яратилган. Ёзувчининг маҳорати шундаки, ҳеч бир ўринда ишонарсиз, маромига етмаган эпизодик тасвир кўзга ташланмайди. Муҳаббатнинг кучи нималарга қодир эканлигини жонли экранда кўриб турамыз. Улар билан бирга ҳаракатланиб, гап-сўзларини эшитамиз. Мунаққид айтганидек: “Диалог жўшқин бўлиши, кишининг руҳий кечинмасини кўрсатибгина қолмай, характерини ҳам очиб бериши лозим...” (М. Қўшжонов). Муаллиф шундай диалоглар воситасида буни амалга оширади.

“Қария” ҳикояси эса бир латифа асосида қурилган “конфликт-ривожий ҳикоянинг латифалардан ўсиб чиққанлиги” ушбу ҳикояга жуда мос тушади. Қария фарзандсиз, бозорда жарчилик қилади. Одамларнинг йўқолган молларини топишга ёрдам беради. Замонлар ўзгариб бундай одатлар барҳам топгач, Амударё ёқаларида гуруч экувчиларга ёрдамчи бўлиб ишлаб юради. Ўзидан орттирган пулларини эса Қобил қассобга бериб қўяди. Кунлардан бир кун қаттиқ касал бўлиб, қассобниқига васият айтишга боради. Қассоб олган пулларидан тонади. Қариянинг ўз одати эсига тушиб, Қобил қассобни қаллобликда айблаб, бозорга жар солади. Тумонат одам йиғилади. Қассоб пулни олмаганлигини айтиб без бўлиб ўтираверади. Ноилож қолган қария эса, пулсиз қандай ўламан ахир, ўлигим кўчада қоладику, деб ўлмасликка қасам ичади. Жисмоний ҳаракатлар қилиб, ўлими учун пул йиғишга киришади. Оқибатда соғайиб кетади. Латифалардан ўсиб чиққан новеллалар майин тасвир (Ш. Холмирзаевнинг ўзига хос услуби) билан бошланади. Бир маромда зиддиятларсиз давом этган воқеа О. Генри новеллалари сингари юморга ўралиб,



руҳимизда ширин бир энтиқиш билан асар ечими - “портлаш”га олиб боради. Портлаш бўлганда ҳам бомба портлаши каби шовқинли эмас. Шунчаки латифанинг ўткир ҳазиломуз якунига ўхшаб кетади.

“Отнинг эгаси” ҳикояси фожиавий планда яратилган. Бу ҳақда М. Қўшжонов фикрлари диққатга сазовор. “Ушбу новелланинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, унда воқеа сиқик берилади. Охирида бутун асар давомидаги воқеани изоҳлайдиган китобхон руҳий дунёсини янги изга соладиган, қутилмаган ўзгариш рўй беради ва бу ўзгариш туфайли асардаги воқеа тўлароқ очилади”(5).

Иноднинг учта бойлиги бор: қишлоғи, мактаби, қорабайир оти. Инод бу учала бойликка икки боласи ва хотинини “қурбонликка” бериб эришган, аниқроғи, боғланиб қолган. Инодни қисмат бор-будидан ажратади. Қолган-қутганини эса адолатсиз жамият тортиб олмоқчи бўлади. Инод биргина қорабайир оти учун она-бола сиғиридан, 15 та қўйдан воз кечишга тайёр. Аммо қисмат уни оловларга итқитаверади. Ҳикояда қутилмаган бурилиш юз беради. Асар қаҳрамони ўзига суянчиқ бўлиб қолган, ҳаётда ягона илинжи – отини отиб ташлайди. Иноднинг тутган йўли шу оннинг ўзида китобхонга қаттиқ таъсир қилади. Бу фожиона кечмиш унга анча вақтгача тинчлик бермайди. Отда нима гуноҳ, одамзодда нима гуноҳ. Нега инсон ўзи хоҳлагандай яшай олмайди, каби саволлар ўқувчини безовта қилади. Ушбу асарни конфликтли-ривожвий ҳикоя структурасига тортадиган жиҳати шундаки, унда қаҳрамон ички кечинмалари руҳий зиддиятлар, жисмоний хатти-харакатлари орқали очилади.

Иноднинг ҳаёти яна ўз изига тушиб кетгандай таассурот қолдиради бизда. Чунки у ҳали ҳамма нарсасини йўқотмади. Жонажон қишлоғи, мактаби унинг ҳасратларини бартараф этадигандай. Қолаверса хотини, икки фарзандидан ажралган Иноднинг дийдаси қотиб бўлган. Дунё азобларига бефарқ бўлиб қолган. Ушбу ҳикоя мустамлакачиликнинг оғир жароҳати чекка ўзбек қишлоқларини ҳам четлаб ўтмаганлигини кўз олдимизга келтира олади. Умуман ҳикоячиликда фожиавийлик XIX асрга келиб етакчилик қила бошлаган. Ш. Холмирзаевнинг тасвир манераси худди шу даврнинг классик ёзувчилари: Мопассан, Мериме, О. Балзак новеллаларини эслатади.

“Кимсасиз ҳовли” ҳикоясида ижтимоий конфликт етакчилик қилади. Умар ака ва унинг хотини Ҳосила пулга, мол-дунёга сажда қилишади. Универмаг дўконига эга бўлишгач, пул йиғиш умрларининг мазмунига айланиб кетади. Фақат улар бир нарсадан, адолатли жамиятдан доим чўчиб яшашади.

“Бу пуллар унга... уларга осонлик билан келмаган. Одамларни алдашнинг ўзи бўлмайди, ҳар дақиқа юрагингни ҳовучлаб турасан: ОБХСС бор, милиция, журналист деган бир балолариям бор... Тўғри, айримининг томоғига ташласанг, лабини ялаб чиқиб кетади. Лекин шундаям кўрқиб турасан: кўнглида нима бор-ким билади”. Мол-дунёга бунчалар муккасидан кетган одамлар ўзлари ким, уларнинг ижтимоий келиб чиқишлари ҳам китобхонни қизиқтириши табиийдир. Муаллиф кечиктирилган экспозиция орқали бу ҳақда маълумот беради. Ижтимоий конфликтнинг азалий бир қонуни мавжуд. Инсон яшаётган шароит, жамият яхши бўлса, баъзан одамзод маънавий қашшоқлашиб боради. Одамзод солиҳ, илму амалга риоя қиладиган бўлса, замона қарама-қаршилигига учрайди. Ҳар иккаласи



ҳам улдуғворлик касб этса, бундай жамият жаннат, одамлари жаннати бўлади. Афсуски, диалектик қарама-қаршилик асосида қурилган жамият тўқис, тугал бўлолмайди. Умар тўйларда доира чертиб, отарчилик қилиб, “у шохдан бу шохга қуниб юрган” кимса бўлса, Ҳосилахон – тўйларда ўйинчилик қилиб фахш йўлларга кирган эл-юрт қарғишига учраган аёл. Шу важдан ҳам уларнинг хатти-ҳаракатлари объектив, психологик асосланган. Ҳаром-ҳариш ишлардан тийилиб, яна бир каттароқ, одамлар ҳақини ейишдек гуноҳ ишларга қўл ўришади.

Ҳикояда асосий конфликт шундан иборатки, шундай одамлардан дунёга келган фарзанд – Умиджон оқил, ақлли фарзанд. Уни маҳаллада ҳамма яхши кўради. Аҳмоқдан чақмоқ. Фарзанднинг бундай тарбияланишига асар қаҳрамонлари қалбидаги аёвсиз изтироблар, курашлар сабаб бўлган. Чунки улар ўз бойликлари, пул йиғиш йўллари ҳақида Умидга оғиз очишмаган. Ўзларини фарзанди олдида фариштадек тутишади. Улар Умиднинг ёшлиги панд бериб бировга гуллаб кўйишидан, эрка-тантқиқ ўсиб йиғилган пулни совуриб юборишдан кўрқишади. Ота-оналари ишига аралаша олмаган, пулсиз Умиджон маҳалла одамлари тарбиясини олиб ўсади. Азалдан яхшилик билан ёмонлик, оқ ва қора ўртасида тўқнашувлар бўлиб келган. Пул, мол-дунё учун имонини сотганлар яратган муҳит оқил-доно фарзандни мавҳ этиши, яъни оқ ранг қора ранг таъсирида йўқ бўлиб кетиши ҳикоя конфликтининг объектив ечими бўлиши керак эди. Шундай ҳол рўй беради. Ўзларидан кўрққан ота-оналари Умиджоннинг овчаркаси ўлгач, бошқа овчарка (бўридан чатишган) асрашади. Аскарликдан қайтган Умиджон эшик тугмачасини бир неча бор босса ҳамки очилмагач, сюрприз қиламан деб, девордан ошиб ҳовлига ўзини ташлайди. Жек уни ғажиб ташлайди. Умиджонни ит эмас, ота-онасининг мол-дунёси бўғиб ўлдиради. Бегуноҳ одамларнинг пешона тери билан топилган ҳолол пуллари туттади уни. Умар ва Ҳосила йиққан меросга – сандиқ ва тиканли сим билан ўраб олинган уй меросхўр бўлиб қолади. Ҳикоянинг қутилмаган ечими умумконфликт негизидан ўсиб чиқади. Мазкур ҳикоя тадқиқотчиси Ҳ. Каримов “Қутилмаган ечим билан тутаган ҳикоянинг фазилати шундаки, унинг таъсири киши қалбига зарб билан тегади. Маълумки, зарб билан теккан нарсанинг оғриғи кучли бўлади”(6) деб ёзади. Кўринадики, китобхон Умиджон фожиасида бойликка ҳирс кўйган ота-онани лаънатлайди.

Ш. Холмирзаевнинг қолган ҳикоялари ҳам юқорида қайд этилган новеллистиклик хусусиятлардан холи эмас. Ҳар бир ҳикоя ўзига хос конфликтлик, кескин бурилиш ва қутилмаган ечимига эга.

Й. Солижоновнинг: “Янги аср бошларига келиб ҳикоя жанрининг яна ҳажман ихчамликка интилаётганлиги сезилмоқда. Бу эса жанр структурасида новеллага хос хусусиятларнинг қайта жонланаётганлигидан дарак бераётир. Шундай хусусиятлардан бири ҳикоя сюжетида кучли драматик воқеаларнинг кетма-кетлиги ва босқичма-босқич кучайиб боришидир”(7) деган фикрдан келиб чиқиб, Шукур Холмирзаевнинг кичик эпик асарларидаги ҳажман йирикликни ҳисобга олиб, нима учун унинг бадиий меросида конфликт-ривоявийликка нисбатан тавсифий-ривоявийлик етакчилик қилишини англаш қийин эмас. Қолаверса, ёзувчи ижодида кўпроқ миллий урф-одатлар, ўзбек оиласининг маиший ҳаёти, наботот ва жамодод

оламининг самимий тасвирланишида ҳам ҳикояларга хос тавсифийликни кўпроқ кузатиш мумкин.

Ҳикоя жанрининг икки кўриниши: тавсифий-ривоявийлик ва конфликт-ривоявийлик жанр хусусиятларида, ўзига хосликларида бош етакчи белгилар таянч нуқта вазифасини ўтайди, масалан:

1. Тавсифий-ривоявийликда – воқеа одатий яқун топади, яъни кичик сахналарда ҳар кунги турмуш тарзи баён этилади.

2. Муаллифнинг муайян воқеа-ҳодисадан мутаассирланиши натижасида ҳам конфликт-ривоявийликка хос жиҳатлар анъанаси мавжуд. Бу хил ҳикояларда психологик, лирик ифода усуллари кучаяди.

3. Тавсифий-ривоявийлик–конфликт-ривоявийлик каби каноник хусусиятга эга эмас. У оммага тушунарли бўлган тимсолларда жамиятнинг умумий кўринишини тасвирлашга йўналтирилади.

4. Конфликт-ривоявийликда – зиддиятлар ечими сирли кўриниш олади, персонажлар руҳиятидаги, хатти-ҳаракатидаги, воқеалардаги ўзгариш муайян драматизмни юзага келтиради.

5. Тавсифий-ривоявийликда – китобхон воқеалар иштирокчисига айланиши ҳамда ҳикоя ечимини қай ҳолатда яқун топишини тасаввур доирасига сигдира олиши мумкин.

6. Конфликт-ривоявийликда – қаҳрамон кутилмаган қарорлари билан ажралиб туради. Воқеалар ривожини ечимгача англаб етиш мумкин эмас.

Ш. Холмирзаенинг мазкур жанр талаблари даражасидаги маҳорати фожиавийлик енгил юмор билан сентизлашган ҳолатларида кўзга ташланади. Танлаган характерлар ўз хатти-ҳаракатлари билан новеллистиклик (конфликт-ривоявийлик) хусусиятларни келтириб чиқаради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Куронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Т.: Навоий университети. 2018. – Б.376.
2. Расулов А. Бадиийлик – бузавол янгилик. – Т.: Шарқ. 2007. – Б. 27.
3. Холмирзаев Ш. Ҳикоялар. 1-жилд. “Шарқ”, – Т.: 2003. – Б. 325.
4. Блез Паскаль, Хосе Ортега де Гассет, Эрих Фромм. Севги санъати. – Т.: Ўзбекистон. 2011. – Б.159.
5. Қўшжонов М. Маъно ва мезон. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1974. – Б.165.
6. Каримов Ҳ. Адабий портретлар. – Т.: ЯНГИ НАШР, 2017. – Б. 138.
7. Солижонов Й. Ҳозирги ўзбек ҳикояси. Ўзбек тили ва адабиёти. 2012 йил 4-сон.

28	Таълим соҳасида ижтимоий шериклик Алиханов М М .....	165
29	Оилада ўзаро меҳр муҳитини қадрият асосида шакллантириш жамият тараққиётининг гарови Бозорова Р Ш .....	172
30	Концептуальные основы развития военной культуры в вооружённых силах республики узбекистан Хашимова Г. И .....	178
31	Глобаллашув шароитида ўқувчи ёшларда илмий инновацион дунёқарашни шакллантиришда илмий-маънавий меъросни ўрганишнинг аҳамияти Худайназаров Н.Ш.....	184
32	Амир Темур ва Темурийлар даври фалсафаси ҳақида мушоҳада Алиқулов Ҳ .....	189
33	Илмий тафаккур тарзининг конструктив трансформацияси Султанова Г.С .....	194
34	Коррупцияга қарши курашишнинг маънавий-маърифий асослари Сохибов С .....	198
35	Умар Хайём рубоийларининг талқин ва тавсифи. Шодиев Ж Ж .....	206
36	Ҳалол кадрлар тайёрлаш тизимини яратишнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари Тожибоев С.П .....	211
37	Особые аспекты формирования стратегии жизни молодежи Исмоилов Т И .....	215

**10.00.00**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ  
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ  
PHILOLOGICAL SCIENCES**

38	Шукур Холмирзаевнинг ҳикоячиликдаги маҳорати Тошпўлатов А .....	220
39	Мустақиллик даври ўзбек драматургиясида жанрлараро диффузияланиш. Аҳмедова В.А .....	227
40	Миллий Характер масаласининг жаҳон адабиётшунослигида ўрганилиши Қаюмов А .....	236
41	Инглиз ва ўзбек тилларида ирригация ва мелиорация терминларининг морфологик таҳлили«инсон нечта тил билса, у шунча одамдир»Гёте Ахмедов О.С, Назарова С.А .....	241
42	Нишотийнинг “хусн ва дил” достонида муболаға санъати Маматқулов М.Р .....	247
43	Қанотли сўз, афоризм ва фразеологик бирлик тушунчаларининг ўзаро фарқи Исакова Г. Н .....	252
44	Социально-лингвистическая репрезентация понятия «учитель» Носирова М.О .....	258
45	К. Boldikning adabiyotshunoslik terminlari qisqacha oksford izohli lug'atining leksikografik va etimologik tahlili Saidova M U .....	263